

## ХАНАФИЙ МАЪНАВИЙДА “ЗОҲИРУР РИВОЯ” КИТОБЛАРИ

Илҳомжон Муроталиевич Гофуров

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси**таълим докторанти, Тошкент ислом институти ўқитувчиси*

Ханафий маънавияни таъдвин қилиш имом Абу Ханифа роҳматуллоҳи алайҳнинг шогирдлари имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммадлар томонидан амалга оширилган. Хусусан имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний роҳматуллоҳи алайҳ бир неча асарлар таълиф этган бўлиб, уларнинг ичида олтинчиси “Зоҳирур ривоя” деб номланади ва улар ханафий маънавиянинг асослари ҳисобланади. Улар қуйидагилар:

1. “Ал-Мабсут” ёки “Ал-Асл” (кенгайтирилган) номи билан машҳур бўлган асар. Муҳаммад ибн Ҳасан роҳматуллоҳи алайҳ (ваф. 189/805 й.) томонидан бизгача етиб келган асарларининг энг каттаси. Асл деб номланишига сабаб, олим тарафидан биринчи ёзилганлигидир. Доктор Муҳаммад “ал-Асл” деб номланишини қуйидагича изоҳлаган: “Бу китобнинг “ал-Асл” деб номланиш сабаби, Абу Ханифа роҳматуллоҳи алайҳ ва унинг икки шогирди имом Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийлар тузган асосий қоидалар ва масалаларни қамраганлигидир. Бу асар ханафий фикри биносининг асли ва асосидир”<sup>67</sup>.

Асарда Абу Ханифа роҳматуллоҳи алайҳнинг фатво берган масалалари жамланган. Шу билан бир қаторда айни шу масалада имом Муҳаммад ва Абу Юсуфларнинг хилоф қилишган жойи бўлса, уни ҳам айтиб ўтилган<sup>68</sup>.

2. “Ал-Жомий ас-сағир” (кичик тўплам). Имом Муҳаммад бу асарида Абу Юсуф имом Абу Ханифа роҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилган 1532 масалани жамлаган<sup>69</sup>. Асар “ал-Мабсут”дан кейин ёзилган бўлиб, олим уни таълиф этишда биринчи китобига таяниб битган. Китобнинг ёзилиш сабабига келадиган бўлсак, Абу Юсуф роҳматуллоҳи алайҳ Абу Ханифа роҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилган масалаларни имом Муҳаммаддан жамлашни илтимос қилган. Асар ёзилгандан кейин имом Абу Юсуф роҳматуллоҳи алайҳга жуда маъқул бўлади. Ҳатто баъзи олимлар Абу Юсуф роҳматуллоҳи алайҳ мазкур асарни доимо ўзи билан олиб юрганларини ривоят қилишган<sup>70</sup>. Шунинг учун ҳам ҳар бир боб “Муҳаммад Яъқубдан, у эса Абу Ханифадан ривоят қилди...” жумласи билан бошланади<sup>71</sup>.

3. “Ал-Жомий ал-кабир” (Катта тўплам). Имом Муҳаммад роҳматуллоҳи алайҳ асарда воситасиз тўғридан тўғри имом Абу Ханифадан қилган ривоятларини

<sup>67</sup> Ибн Обидин. Исъоду-л-муфтий ала шарҳи укуди росми-л-муфтий. – Қоҳира: Дору-л-мактабату-л-исламия, 2005 – Б. 256.

<sup>68</sup> Аминов Х, Примов С. Ханафий фикри тарихи, манбалари ва истилоҳлари. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017. – Б. 154.

<sup>69</sup> Ибн Обидин. Исъоду-л-муфтий ала шарҳи укуди росми-л-муфтий. – Қоҳира: Дору-л-мактабату-л-исламия, 2005 – Б. 256.

<sup>70</sup> Ибн Обидин. Исъоду-л-муфтий ала шарҳи укуди росми-л-муфтий. – Қоҳира: Дору-л-мактабату-л-исламия, 2005 – Б. 262.

<sup>71</sup> Аминов Х, Примов С. Ханафий фикри тарихи, манбалари ва истилоҳлари. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017. – Б. 154.

жамлаган<sup>72</sup>. Бу китоб муаллифнинг энг аҳамиятли асарларидан бири бўлиб, унинг икки таҳрир варианты бор. Биринчи варианты Абу Ҳафс Кабир (ваф. 216/831 й.) ва Абу Сулаймон Жужжоний (ваф. 200/815 й.) ҳамда Муҳаммад ибн Самоа каби шогирдлари ривоят қилганлар. Кейинчалик муаллиф бу асарга яна мурожаат қилиб, қайта ишлаган: баъзи боб ва мавзулар қўшган; жумлаларни таҳрир қилган, ихчамлаштирган. Бу вариантни шогирдлар яна қайта ривоят қилганлар<sup>73</sup>.

Муҳаққиқ олим Ибн Обидин (ваф. 1252/1836 й.): “Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг қаламига мансуб қайси асарлари “ас-Сағир” номи билан сифатланган бўлса, унда имом Абу Юсуф воситаси орқали имом Абу Ҳанифадан қилинган ривоятларни жамлаган бўлади. Агар асар “ал-Кабир” номи билан сифатланган бўлса, муаллифнинг ўзи тўғридан тўғри Абу Ҳанифадан қилган ривоятларини жамлаган бўлади”<sup>74</sup>.

“Ал-Жомий ал-кабир” асари Қоҳира ва Ҳайдарободда 1937 йили нашр қилинган.

4. **“Ас-Сияр ас-сағир”**. Асарда сиярга оид ҳукмлар баён қилинган бўлиб, унда нима мумкин, нима жоиз эмас, сулҳ, дипломатик муомала, ўлжа ва жанг вақтида бўладиган бошқа масалаларнинг ҳукмлари зикр этилган. Имом Муҳаммад бу масалаларни Абу Юсуф воситаси орқали Абу Ҳанифадан ривоят қилган.

5. **“Ас-Сияр ал-кабир”**. Бу муаллифнинг охириги асарларидан бўлиб, унда Абу Юсуф роҳматуллоҳи алайҳнинг номи зикр қилинмаган, балки эҳтиёж тушган ўринда “Менга ишончли кишининг хабар беришича...” деб кетилган.

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “Ас-Сияр ас-сағир” ва “Ас-Сияр ал-кабир” асарларида инсоният тарихидаги давлатлараро қонунларнинг, дипломатик муносабатларнинг назарий қоидалари ишлаб чиқилган, исломий ҳалқаро ҳуқуққа оид илк асарлар ҳисобланади.

Имом Муҳаммад мазкур асарида келтирилган ҳар бир масалани оят ва ҳадислар билан исботлаб кетган. Айрим ўринларни уларни қиёсий далиллар билан ҳам қувватлаган.

“Ас-Сияр ал-кабир”га бир қанча шарҳлар ёзилган бўлиб, энг машҳури Шамсул аймма Сарахсий (ваф. 490/1097 й.) томонидан битилган шарҳ саналади. Мазкур китоб Ҳайдарободда 1916 – 1917 йилларда 4 жилд, Қоҳирада 1957 – 1960 йилларда 3 жилд ва 1961 йили Қоҳирада 5 жилд қилиб нашр этилган. Асарнинг туркча ва франсузча таржималари ҳам нашр этилган<sup>75</sup>.

6. **“Аз-Зиёдат”** (Зиёда масалалар). Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний бу асарини “Ал-Жомий ал-кабир”дан кейин аввалги бешта асарда келтирилмаган масалаларни баён қилгани учун шу ном билан аталган. Китоб ёзилганидан сўнг унга ҳам

<sup>72</sup> Солиҳ Аҳмад Муҳаммад ал-Ҳаёний. Ал-Кифоя шарҳу-л-ҳидоя фи-л-фуруъи-л-ҳанафийя. Дироса ва таҳқиқ. (найл-д-дуктура). – Яман: Визароту-т-таълими-л-ғалий ва-л-баҳси-л-амалий, 2020. – Б. 29.

<sup>73</sup> Аминов Ҳ, Примов С. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017. – Б. 156.

<sup>74</sup> Ибн Обидин. Радду-л-Мухтор. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 1971. – Ж. I. – Б. 50.

<sup>75</sup> Аминов Ҳ, Примов С. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017. – Б. 156.

киритилмай қолиб кетган айрим масалалар чиқади. Мазкур масалаларни жамлаб “Зиёдоту-з-зиёдот” (“Аз-Зиёдот”га зиёда қилинган масалалар) асарини тасниф қилган.

Айрим олимлар “Аз-Зиёдот” асарини “Зихорур ривоя” китоблари қаторига қўшишмаган. Бироқ ундаги ривоятларни машхурлиги эътиборидан “Зихорур ривоя”га қўшиш тўғри бўлади.